2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

34 (636)

2008 йил 20 август

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

саҳифада

2 ▶ Ҳашар юртни обод, кўнгилни шод қилди
▶ Қаддимиз ҳам, қадримиз ҳам баланд

3 ▶ Маҳаллангиз тарихини биласизми?
▶ Мисраларга кўчган таскин

4 ▶ Бир бош узум бир пул эмас!
▶ Майда гап бўлма, ...саломат бўласан!

Жорий йилнинг 16-17 август кунлари юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди

Хайрли тадбир эзгу амаллар учун йўл очди

Халқимизнинг кўз-кўз қилса арзигулик ажойиб қадриятлари, анъаналари бор. Биз ҳар қандай шодиёнани, тўю тантанани саришта хонадонда, обод маҳаллада қўни-қўшни, маҳалла-кўй билан биргаликда нишонлашга одатланганмиз. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллиги шодиёналарига ҳам саноқли кунлар қолди. Шу боис, юртдошларимиз ушбу санани муносиб кутиб олиш ва нишонлаш учун қизғин тараддуд кўрмоқда.

16-17 август кунлари мамлакатимиз миқёсида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари ҳам ана шу қутлуғ тўйга муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида ташкил этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишига биноан жорий йилнинг август ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги, 16-17 август кунлари эса умумхалқ хайрия ҳашари кунлари деб эълон қилинди. Шу асосда ўтган ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари юртимизнинг барча ҳудудларида умумхалқ хайрия ҳашари уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтди.

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги байрами муносабати билан ҳамда «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган умумхалқ тадбири юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳатто энг чекка қишлоқ, маҳалла ва овулларда ҳам кенг қулоч ёйди. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувида тузилган умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш бўйича республика ишчи гуруҳига мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ҳашарнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги маълумотлар келиб турди.

Умумхалқ хайрия ҳашарида қарийб 15 млн. нафар юртдошимиз қатнашди, шулардан 8,5 млн. нафарга яқинини ёшлар ташкил этди. Икки кунлик ҳашар давомида эл-юрт ишига белни маҳкам боғлаган ҳашарчиларнинг ғайрат-шижоати билан қарийб 23 минг гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, 17 минг километрдан зиёд узунликдаги ариқ-зовур, лотоклар тозаланиб, 8144 та зиёратгоҳ ва қабристонлар саришталанди. Ҳашар кунлари жами ҳудудлардан чиқариб ташланган маиший ва қурилиш чиқиндилари миқдори 42 минг тоннадан ортди.

(Давоми 2-саҳифада)

Истиқлол иншоотлари

Айни пайтда Сирдарё узра Наманган ва Андижон вилоятларини бир-бири билан боғлайдиган янги муҳташам кўприк барпо этилмоқда. Узунлиги уч юз, кенглиги ўн метр бўлган мазкур иншоот тўрт қатор транспорт қатнови учун мўлжалланган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, кўприкнинг мустаҳкамлик даражаси жуда юқори. Юзлаб тонна юкни кўтаришга мўлжалланган 12 та оралиқ қурилманинг саккизтаси дарёнинг оқим қисмига ўрнатилган. Темир-бетон устунлар сув тубидан 23 метр чуқурликкача киритилган бўлиб, мустаҳкамликни янада оширади.

Сирдарёнинг икки соҳилини бир бирига туташтирувчи янги кўприк Наманган, Андижон ва Марғилон шаҳарлари орасидаги масофани йигирма километрга қисқартиради.

Иншоот энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.



СУРАТЛАРДА: *кўприк қурилишидан лавҳалар.*

Ҳ.МАМАДАЛИЕВ *(ЎзА)* **олган суратлар.**

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан

ЁШЛАР — эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир

Пойтахтимизда янги қад ростлаган муҳташам Ёшлар ижод саройида "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг V Ёшлар форуми бўлиб ўтди. Тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси кўмагида ташкил этилди.

Бундай республика ёшлар форумлари "Келажак овози" маркази томонидан 2006 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу галги анжуманда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 700 нафардан ортиқ йигит-қиз – Ёшлар ташаббуслари марказининг ҳудудий бўлимлари фаоллари, шунингдек, "Келажак овози" республика танлови Жамоатчилик кенгаши ва жамғарманинг ҳамкор ташкилотлари вакиллари иштироқ этди.

Форумда аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил қиладиган Ўзбекистонда ёш авлод манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида замонавий билимларни пухта эгаллаган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ёш авлод - муносиб ўринбосарларни тарбиялашга, уларнинг жаҳон стандартлари асосида билим олиши, йигит-қизларимизда энг юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ҳамда уларнинг истеъдод ва қобилиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам бериш учун барча шарт-шароит яратилган.

Ушбу масалаларни ҳал этиш инсон манфаатлари энг олий қадрият деб эълон қилинган мустақил Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Мамлакатимизда ёшларнинг нафақат мукаммал билим эгаллаши, айни вақтда муайян мутахассисликка эга бўлиб, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун кўп ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада мақсадли давлат дастурлари рўёбга чиқарилмоқда. Кейинги йилларда янгича дунёқарашга эга, мустақил фикрлайдиган, қатъий ишонч ва эътиқодга эга, мамлакати ва халқига содиқ, Ватанимизнинг янада равнақ топиши учун муносиб ҳисса қўшишга интиладиган ўн минглаб янги авлод мутахассислари тайёрланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилда ушбу серқирра фаолият ҳар томонлама ривожланди ва рағбатлантирилди, тегишли давлат дастурини амалга ошириш доирасида янада чуқур мазмун билан бойитилгани таъкидланди. Ушбу жараёнда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

"Ёшлар йили" Давлат дастури ва бошқа мақсадли дастурларнинг рўёбга чиқарилиши мамлакатимиз келажаги учун катта аҳамиятга эгадир. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, ёшлар мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича белгилаб олинган юксак мақсадларимизга эришиш йўлида том маънода ҳал қилувчи куч, таянч ва суянч бўлиши даркор.

(Давоми 2-саҳифада)

Танлов давом этади!

Сурхондарё вилояти

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Термиз шаҳрида «Келажак овози — 2008» Республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ниҳоясига етди.

Танловда амалий ва тасвирий санъат, бадиий ижод ва публицистика, ахборот-коммуникацион технологиялар, рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар, меъморчилик ва дизайн, спорт, ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режа номинациялари бўйича туман ва шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритган 197 нафар иштирокчи қатнашди. Якуний натижага кўра, улардан 40 нафари танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Тадбир якунида ғолиблар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

МУХБИРИМИЗ

«Пекин-2008»

АНТОН ФОКИН — Олимпиада ўйинлари совриндори

XXIX Олимпиада ўйинларининг 19 август куни беллашувларида спорт гимнастикаси бўйича брусда бажарилган машқлар якунига кўра Антон Фокин бронза медалини қўлга киритди.

Антон 1982 йили 13 ноябрда туғилган. Спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистоннинг энг кучли спортчиларидан. Ўтган йили Германиянинг Штутгарт шаҳрида бўлган жаҳон чемпионатида учинчи ўринни эгаллаган эди.

— Биз, ўзбекистонлик спортчиларнинг жаҳон спорт майдонларида эришаётган ютуқларимиз истиқлолимиз шарофатидандир, — дейди А.Фокин. — Шу боис Олимпиадада қўлга киритган муваффақиятимни мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлайман.

Яна бир вакилимиз — Вадим Меньков каноэда эшкак эшиш бўйича 500 метр масофага ўтказилган баҳсда ярим финалга йўлланма олди. Шунингдек, 200 метрга югуришда Гўзал Ҳуббиева биринчи босқичдан ўтди.

Пекин Олимпиадасида Ўзбекистон спортчилари ҳозиргача тўртта медални қўлга киритди. Дзюдочилар Абдулла Тангриев — кумуш, Ришод Собиров — бронза, трамполинда Екатерина Хилько бронза медаль соҳиблари бўлди.

Уларнинг сафига Ш.Мамадалиев мураббийлигида машқ қилаётган А.Фокин ҳам қўшилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.

Пекин.

Бухоро вилояти

«Экосан» халқаро ташкилотининг вилоят бўлими ва «Маҳалла» жамғармаси Бухоро шаҳри бўлинмаси ташаббуси билан Бухоро шаҳри миқёсида ўтказилган «Энг обод маҳалла» кўрик-танлови якунланди.

ШИРБУДИН ТАЖРИБАСИ

Маҳаллаларда олиб борилаётган ободончилик ишларини янада ривожлантириш, аҳолининг тоза ичимлик сув, табиий газ, электр энергиясидан оқилона фойдаланишини, ҳудудларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат даражасини янада юксалтириш каби бир қатор хайрли ишларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мазкур кўрик-танловда шаҳардаги ўзини ўзи бошқариш органлари фаол иштирок этди.

Танлов якунларига кўра, Ширбудин қишлоқ фуқаролар йиғини фахрий 1-ўринга лойиқ деб топилди ва кўрик-танлов ташкилотчилари томонидан муносиб тақдирланди.

Ҳамроз Али, "Mahalla" мухбири.

СЎЗ — ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида 19 август куни бўлиб ўтган V Ёшлар форумида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан иқтидорли йигит-қизлар иштирок этди. ЎзА мухбирлари "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Келажак овози" Ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилган мазкур анжуман иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Али НАВРЎЗОВ, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаси:

— «Келажак овози» иқтидорли ёшлар танловига тақдим этган экологик тоза биодизель ёқилғи ишлаб чиқариш технологиясига оид лойиҳам рационализаторлик таклифлари, техникавий лойиҳалар ва ишланмалар номинацияси бўйича Қашқадарё вилояти босқичида ғолиб чиқди.

Ушбу технологиянинг ўзига хослиги ёқилғи ишлаб чиқаришда қайта тикланадиган хомашёдан — ўсимликлардан фойдаланилади.

Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ёшларнинг пухта билим олиши, жамиятда муносиб ўрнини топиши учун барча шарт-шароит яратилган. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда "Келажак овози" Ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилган ва ислаҳувчан ёшларни рағбатлантиришга хизмат қилаётган «Келажак овози» иқтидорли ёшлар танлови ҳам ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Пойтахтимизда қад ростлаган Ёшлар ижод саройи ўзининг муҳташамлиги, замонавийлиги билан ҳаммамизни лол қолдирди. Бу ёшларга ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

Зухриддин ТЕМУРОВ, «Келажак овози» иқтидорли ёшлар республика танловининг ахборот технологиялари йўналиши бўйича 2007 йилдаги ғолиби /Сурхондарё/:

— V Ёшлар форуми мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган иқтидорли ёшлар билан танишиш, ўзаро фикр алмашиш, улар эришган муваффақиятлар билан танишиш имконини бераётганидан мамнунмиз.

Ана шундай мулоқотлар чоғида ўзимиз эришаётган натижаларни солиштириш имкони ҳам бор. Биз, бир гуруҳ ёшлар 2007 йили ўтган республика танловининг ахборот технологиялари йўналиши бўйича ўзимиз ишлаб чиққан дастур — Сурхондарё вилоятининг веб-портали учун ғолиб чиққан эдик. Ушбу порталда вилоят тарихи, жўғрофияси, аҳолиси, маданияти ва урф-одатлари ҳақида кенг маълумотлар жамланган.

Айни кунларда гуруҳимиз билан яна бир лойиҳа — мамлакатимизнинг электрон тиббий энциклопедиясини яратиш устида иш олиб бормоқдамиз. Ушбу энциклопедия беш мингдан ортиқ касаллик турлари ва уларни даволаш усуллари ҳақидаги маълумотларни қамраб олади.

Мақсадимиз — янгидан-янги компьютер дастурлари яратиш орқали Ватанимиз — Ўзбекистоннинг дунёга янада кенгроқ танилишига ўз ҳиссамизни қўшишдан иборат.

Бахтиёр НОРМАТОВ, Жиззах политехника институти талабаси:

— «Келажак овози» танловида ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режа йўналиши бўйича вилоят босқичи ғолиби бўлдим. Лойиҳам автомобиллар учун суюлтирилган газ шохобчаларини ташкил этиш бизнес-режасини ишлаб чиқишга қаратилган. Ундан кўзланган асосий мақсад тенгдошларимни иш билан таъминлаш ва уларнинг вақтини мазмунли ўтказишдан иборат.

Истиқлол йилларида юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган юзлаб коллеж ва лицейлар, янги мактаблар, муҳташам спорт саройлари барпо этилди. Таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича узоқни кўзлаган дастурлар изчил амалга оширилмоқда.

Ойбек ФАЙЗИЕВ, Самарқанд Қишлоқ хўжалиги институти талабаси:

— Жорий йилда «Келажак овози» иқтидорли ёшлар танловида иштирок этиб, рационализаторлик таклифлари, техникавий лойиҳалар ва ишланмалар номинацияси бўйича вилоят босқичи ғолиби бўлдим. Лойиҳам — Ўзбекистон шароитида кунгабоқар етиштиришнинг рационал технологияси билан боғлиқ.

V Ёшлар форуми ўтган Ёшлар ижод саройи ўзининг замонавийлиги, чиройи ва барча қулайликларга эгалиги билан барчамизни мафтун этди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши юртимизда ёш авлодга кўрсатилаётган улкан эътибор ва беқиёс ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди. Биз, ёшлар Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган ана шундай ғамхўрликнинг қадрига етишимиз, яратилган имкониятлардан оқилона ва унумли фойдаланишимиз, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида фидойилик кўрсатмоғимиз, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлмоғимиз даркор.

Гулноз ШИНИГЕЕВА, «Келажак овози» иқтидорли ёшлар республика ғолиби (Қорақалпоғистон):

— Юртимиздаги ҳар бир ўғил-қиз ҳамиша эътиборда. Уларнинг соғлом, комил инсонлар бўлиб вояга етиши учун барча шароит яратилган. Ёшларимиз бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, юрт равнақига камарбаста, фахрланса арзигулик фарзандлар бўлиб етишмоғи лозим.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Келажак овози" Ёшлар ташаббуслари маркази ёшларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг изланишларини рағбатлантириш мақсадида турли имтиёзли танловлар ташкил этаётганидан ғоят хурсандмиз.

Маҳоратли ва замонавий Ёшлар ижод саройида ўтган ушбу форум мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган иқтидорли ёшлар билан танишиш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, ўз ишларимиз билан тенгдошларимизни таништириш имконини берганидан мамнунмиз.

Дилхушбек ЁҚУБОВ, Андижон давлат тиббиёт институти талабаси:

— Жорий йилда «Келажак овози» иқтидорли ёшлар танловида рационализаторлик таклифлари, техникавий лойиҳалар ва ишланмалар номинацияси бўйича вилоят босқичида ғолиб чиққанимдан хурсандман. Мен таклиф этган лойиҳа — болт-штопор сон суяги синган кишилар учун асқотади.

Бундай танловларнинг ташкил этилиши биз, ёшларни янги изланишларга илҳомлантиради ва янгидан-янги кашфиётларга ундайди.

Биз, ёшлар мамлакатимизда яратилган ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш борасида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшишимиз лозим.

ЎзА мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА ёзиб олди.

Наманган вилояти

ТЎХТАХОН — ЭНГ НАМУНАЛИ МАСЛАҲАТЧИ

«Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

Унда вилоятнинг барча туманлари ҳамда Наманган шаҳри босқичида ғолиб бўлган 12 нафар маслаҳатчи ўзаро беллашди. Танловда иштирокчилар фаолиятини акс эттирувчи кўргазмали чиқишлар орқали лавҳалар намойиш этиб, ҳакамлар ҳайъати томонидан берилган саволларга жавоб беришди.

Кўрик-танлов якунларига кўра, Янгиқўрғон тумани Бекобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Гулистон маҳалласи маслаҳатчиси Тўхтахон Муллахўжаева ғолиб деб топилиб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

Иккинчи ва учинчи ўринлар эса Тўрақўрғон туманидаги Соҳибкор ва Учқўрғон шаҳридаги Соҳил маҳаллалари маслаҳатчилари Маҳбубахон Ўролова ҳамда Шаҳлохон Ҳамидовага насиб этди.

М.ЮНУСОВ

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Бахоси келишилган нархда

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

ЁШЛАР — эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Ҳақиқатан ҳам, истиқлол йилларида мамлакатимизда истеъдодли, катта ишларни амалга оширишга қодир янги авлод ўсиб-улғайди. «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳам бу хайрли ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Марказ ёрдами билан, шунингдек, ҳар йили ўтказиладиган «Келажак овози» республика танлови давомида нафақат йирик шаҳарлар, балки мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларида яшайдиган юзлаб йигит-қизлар олдида ижод қилиш, санъат, илм-фан ва ўз қобилиятини рўёбга чиқаришга ёрдам берадиган бошқа фаолият соҳалари билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар очилди. Форумда тошкентлик Жасур Турсунов, Самарқанддан келган Умид Ўлмасов, Тошкент вилоятилик Ойбек Валиев, қаршилик Бахтиёр Раҳмонов ва бошқалар шу ҳақда гапирдилир.

Марказ таълим, маданият ва санъат, ахборот технологиялари, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ёшлар ахборот маркази ҳамда Интеллектуал клублар уюшмаси йўналишлари бўйича самарали фаолият кўрсатмоқда. Форум қатнашчилари марказ фаоллари томонидан ишлаб чиқилган яна бир янги йўналиш – ёш тадбиркорлар мактаби билан ҳам танишдилар. Бу ерда йигит-қизлар бизнес сабоқларини ўзлаштириши, ўз ишини қандай ташкил этиш ва ривожлантиришни ўрганиши мумкин.

Шунингдек, тадбирда жорий йил бошидан буён қатор йирик лойиҳалар амалга оширилгани, жумладан, «Келажак тур» халқаро ёшлар туризм бюроси, «Lingvo-Master.uz» тилга оид электрон маълумотлар базаси, «Дилемма» нотиқлик санъати клуби ташкил этилгани таъкидланди. Форумда уларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбир давомида ҳар куни НТТ телеканаллари тармоғи орқали ёшлар кўрсатувларини эфирга узатадиган «Келажак овози» телестудияси ўзининг энг яхши лавҳаларини намойиш этди, матбуот маркази эса «Келажак овози» газетасининг ушбу кунга бағишлаб чиқарилган махсус сонини тақдим этди. Форум иштирокчилари «Келажак овози-2008» ёзги ўқув оромгоҳи фаолиятини ҳам муҳокама этдилар. Жорий йилда ёзги ўқув оромгоҳида марказнинг 500 нафарга яқин фаол аъзоси ҳордиқ чиқарди. Дам олиш вақтида иқтидорли йигит-қизлар учун уларнинг қизиқишлари бўйича семинар-тренинглар ташкил этилди. Форумда марказ фаоллари томонидан яратилган либослар коллекцияси намойиш этилди, «Келажак овози» чолғу ансамбли ўз дастурини тақдим этди.

Анжуман қатнашчилари йил бошидан буён амалга оширилган ишлар натижаларини кўриб чиқдилар ва келгусидаги фаолият режаларини белгиладилар. Келгусида ҳам амалдаги лойиҳаларни рўёбга чиқариш давом эттирилади. Шунингдек, ёшлар ижодини ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш имконини берадиган қатор янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Форум бўлиб ўтган Ёшлар ижод саройи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида барпо этилган ҳашаматли меъморчилик мажмуидир. Мазкур сарой пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларидан бирига айланиши шубҳасиз. Бу ерда 3 та кўргазмалар зали, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун мўлжалланган катта зал, шунингдек, санъатнинг турли йўналишлари бўйича машғулотлар ўтказиладиган ижодий лабораториялар жойлашган. Сарой энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. У миллий ва умумбашарий маданиятни ривожлантиришда ўзбек халқи бебаҳо меросининг ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, ёш истеъдод соҳибларининг бой тарихимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримиз, бугунги кунимизни акс эттирувчи тасвирий, амалий ва фотосанъат соҳасидаги ишлари кўргазмалари намойишини йўлга қўйиш мақсадида барпо этилди. Бундан ташқари, бу ерда концертлар, маданият намояндалари билан ижодий учрашувлар, ёшлар конференциялари, семинарлар, бошқа тадбирлар ҳам ўтказилади.

Дарҳақиқат, Ёшлар ижод саройи Ўзбекистон ёшларига Мустақиллик байрами арафасида ажойиб туҳфа бўлди.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Жорий йилнинг 16-17 август кунлари юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди

Хайрли тадбир эзгу амаллар учун йўл очди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Шунингдек, кўплаб маҳаллаларда гузарлар, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, спорт иншоотлари барпо этилиши айни ҳашар кунларида ниҳоясига етказилди. Хусусан, Хоразм вилояти Шовот туманидаги Чўқли маҳалласи гузарида шу кунлари маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шахобчалари иш бошлади. Истиқлол иншоотлари — Урганч шаҳридаги ҳарбий академик лицей, Боғот туманидаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи, Ҳазорасп туманидаги 9-умумтаълим мактабларида кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хоразм Маъмун академияси қаршисидаги «Алломалар хиёбони» тартибга келтирилди. Андижон вилоятининг Олтинкўл тумани Маслаҳат қишлоғи ҳудудидаги Миробод, Чаққон-1 маҳаллаларида янги гузарлар, Избоскан тумани маркази — Пойтуғда эса «Ёшлар кафеси», Эркин, Шерматобод қишлоқлари ҳамда Асака шаҳридаги Соҳилбўйи кўчасида миллий ҳаммом қурилишларида ҳашарчилар қўлни қўлга бериб меҳнат қилишди. Жиззах шаҳридаги «Ёшлар экология боғи» ва янгидан барпо этилаётган «Ёшлар шаҳарчаси»да 20 мингдан зиёд ҳашарчи-ёшлар ободончилик ишларида фаол иштирок этишди. Наманган вилояти Норин туманида барпо этилаётган «Дўстлик» боғида, Тўрақўрғон туманининг Наманган—Тўрақўрғон, Тўрақўрғон—Косонсой магистрал йўллари бўйида, Уйчи туманининг Уйчи, Ёркатай, Ғайрат қишлоқларида ҳам умумхалқ тадбири уюшқоқлик билан ўтказилди.

Ҳашар инсонларга меҳр-оқибатдан, одамийликдан сабоқ берувчи, дилларни поклаб, меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамловчи тадбир ҳамдир. У ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялашда, уларнинг қалбида маҳалла-қўйга, она Ватанга муҳаббат туйғуларини жонлантиришда ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Ёшлар йилида ўтказилган бу галги умумхалқ тадбирида ёшларнинг фаол иштироки сезилди. Юртимизнинг ҳар бир йигит-қизи ўзига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка нисбатан умумхалқ юмушига ҳисса қўшиш орқали жавоб беришга интилди.

Умумхалқ хайрия ҳашарлари эҳтиёжманд фуқаролар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган, кўп фарзандли оилаларга, етим-есирларга, ногиронларга меҳр-оқибат кўрсатиш билан ўтиши унинг хайрли ва савобли юмуш эканини яна бир бор тасдиқлайди. Икки кунлик ҳашар давомида эҳтиёжманд оилаларга тегишли қарийб 334 минг квадрат метр турар-жойлар таъмирлаб берилган бўлса, моддий кўмакка муҳтож 26870 та оилага 428 млн. сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, ҳашар кунлари ўз иш жойларида меҳнат фаолиятини давом эттирган корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ҳам умумхалқ ишидан четда турмадилар. Обод этилган гўшаларнинг чирой очишида, мурувватга муҳтож кўнгилларга қувонч улашишда уларнинг ҳам меҳнати, заҳмати сингди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги фармойишига биноан айни кунларда ҳашар муносабати билан юртимизда фаолият юритаётган ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилот ишчи-хизматчиларининг бир кунлик иш ҳақи миқдоридаги маблағлар Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла»жамғармаси республика бошқаруви, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимининг банкдаги ҳисоб рақамларига ўтказилмоқда. Ушбу маблағлар йил давомида «Ёшлар йили» Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш, хусусан, эҳтиёжманд юртдошларимиз, иқтидорли ва ногирон ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга, «Меҳрибонлик», «Мурувват», «Саховат» уйлари ва ихтисослаштирилган муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади. Қисқаси, халқимизни бирлаштирган ушбу хайрли тадбир келгусида минглаб эзгу амалларнинг рўёбга чиқиши учун замин бўлиб хизмат қилади.

Ш.ЭРҒАШЕВА,
«Mahalla» мухбири.

ЮРТ СЕВГАН ОГОҲ БЎЛАДИ

Фарзанди ушбу йилда олий ўқув юртига кириш учун синовда иншо ёзган дўстим ярим ҳазил-ярим чин тариқасида бир ҳолатдан зорланиб қолди. Унинг айтишича, фарзанди юртимизда Истиқлол йиллари эришилган ўзгаришлар ҳақида иншо ёза туриб, кўзда тутилган меъёрдан икки баравар кўп матн ёзиб ҳам ўз фикрларини тугата олмабди. Ижобий ҳолатлар, хусусан, бунёдкорлик ишлари кўплигидан унисини ёзса, буниси қолиб кетаверибди.

Шунда фарзандларимиз — бугунги ёшларнинг бахтига, мустақил юртимиз истиқболига кўз тегмасин дедиг-у, ўз ёшлик давримизни ёдга олдик. Биз — яъни бугун фарзандлари иншо ёзаётганлар ёшлигимизда мактабни битириш ёки олий ўқув юртига кириш учун иншо ёзаётганимизда юрт жамоли ёки истиқболи ҳақидаги мавзуни четлаб ўтишга уринганимизни эсладик. Чунки бу мавзуда ёзиш жуда қийин эди. Бундай мавзуда қўлга қалам олганда шаҳар ҳудудида яшовчилар бир-икки баланд биноларни санаб ярим варақдаги матн билан кифояланса, қишлоқлик ёшлар узоқ муддат қаламнинг иккинчи учини чайнаб ўтираверарди. Тўғриси, нимани эътироф этишни билмасдик. Бугун эса юрт таърифини ёзиб тугата олмайсиз. Мана бу ҳам юрт Истиқлолининг қиёсий кўриниши...

Яқинда Мустақиллигимизга 17 йил тўлади. Шу йиллар давомида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида ўйлар эканмиз (келинг, уларни санамайлик, санасак, иншосини якунлай олмаган абитуриент ҳолига тушиб қоламиз), барчамиз — ёш ҳам, кекса ҳам ўзимизни бирдай улғайиб қолгандек ҳис қиламиз. Зотан, кўз кўриб турган юксалишлар бизнинг қаддимизни ҳам, қадримизни ҳам юксалтирди. Айни дамда кекса ҳам, ёш ҳам ўзини янада ёшараётгандек ҳис қилади. Зотан, бугун бошланган, давом этаётган, юз очаётган улкан ўзгаришлар буюк келажакдан далолат беради. Бу келажак чўққиларини тасаввур қилиб ўзингни йўл бошида, ҳаётнинг бошида сезасан киши. Бу туйғу айни дамда ана шу келажак учун ҳар биримиздаги масъулиятни ҳам ифодалайди.

Шу мустақил Ватан, халқ олдидаги фуқаролик бурчи, масъулияти нима? Кошки эди буни ҳам бир сўз ёки бир ибора билан ифодалаб бўлсайди. Бунинг устига, бу туйғу нафақат сўзда, балки қалбдаги теран мақсадларга айлансагина унинг иньикоси ҳаётий ифодада юз кўрсатади.

Тасаввур қилинг-а, яқин йилларда пойтахтимиздаги ва бошқа шаҳарларимиздаги йўллар шу даражада кенгайтирилдики, унинг бир томонининг ўзи гўёки футбол майдонига қиёс. Шу «футбол майдони»дан зинғиллаб, аввалги тирбандликдан халос бўлиб ўтаётган техника соҳибининг кўнглида нима кечяпти? Ёки бир пайтлар эшигигача пахта бостириб кирган ўзбек аёли, ҳа, иш маскани фақат пахтазор деб ҳисобланган ўша қишлоқ аёли бугун қишлоғидаги ҳашаматли лицей ёки коллежга ишга бориш учун тошойна ёнида ўзига зеб бераётган бўлса — унинг қалб кечинмалари қандай? Ҳар ҳолда ҳар бир юртдошда ким эдигу, ким бўлдик, деган туйғу кечаётгандир. Шу иқрорда ҳам гап кўп. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Ўзингиз ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, мустабид тузум мустамлакачилик даврида биз ким эдик?» дея такрор-такрор таъкид этганларида, шубҳасиз, кўз ўнгимиздан кеча ва бугуннинг бир-бирига сира ўхшамас тасвири гавдаланади, шундай эмасми? Албатта, шундай.

Мустақиллик олдидаги бизнинг масъулиятларни ҳам балки санаб улгурмасмиз. Шулардан бири юрт тақдири, тинчлиги йўлидаги огоҳликдир. Огоҳлик аслида азалдан қалбимизга қадрият даражада сингган. Кўчамиздаги силлиқ асфальтнинг бир бурчини бузган одамдан тортиб, мустақил юртга бўлган эътиқодимизга путур етказишга уринган одамгача бўлган муносабатимизда сезилади бу кечинма. Аслида ҳар бир ҳодисотга беэътибор ўтмаслигимиз, уни муҳокама ўчоғига айлантиришимиз бор гап. Аммо уларга ютуқларимиз тақдирига жавобгарлик, юрт манфаатдорлигига масъуллик, ҳақиқат тамойилига мойиллик устунлигида баҳо беришимиз ва шу баҳонинг салбий ёки ижобийлигига қараб қилган саъй-ҳаракатимиз муҳим бўлади бу ўринда.

«Бир болага етти маҳалла ота-она» деган ўзбекона нақлнинг келиб чиқиш сабабини аслида огоҳлик даъватидан излаш керакдек гўё. Шу мантиқдан келиб чиқиб, бир маҳалла, бир Ватан тақдири учун қанчадан қанча масъуллар зарур. Бу саноқни санасангиз ҳам узоқ санайсиз ва балки охирига етолмайсиз. Балки бу ўринда мақсадни англаш зарур. Англасангиз — санаб овора бўлмайсиз. Шу Ватан тақдири учун масъуллар кимлиги аниқ — шу Ватанни Ватан билганлар, юртдошлар — барча-барчамиз.

Ч.ЛАТИПОВ



Хонобод шаҳрида бугунги кунда юздан ортиқ тадбиркор, ҳунарманд фаолият кўрсатмоқда. Улар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, маҳалла фуқаролар йиғинларида ободонлаштириш ишларига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Ҳозирда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётган 10 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинлари марказларида маиший хизмат ва савдо шахобчалари, гузарлар ташкил этилган.

Истиқлол маҳалласи фуқаролар йиғини шаҳарнинг обод гўшаларидан бири. Истиқлол йилларида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Маҳалла гузари, маиший ва сервис хизмат кўрсатиш шахобчалари аҳоли хизматида. Яқинда бу ерда 100 ўринли ошхона, ҳаммом, сартарошхона, нон ишлаб чиқариш цехи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ш.ОЛИМОВ *(ЎзА)* **олган суратлар.**

СУРАТЛАРДА: *Хонобод шаҳридаги Истиқлол маҳалласи фуқаролар йиғинида янги ишга туширилган нон ишлаб чиқариш цехи устаси Фурқатбек Хурбоев;*

обод шаҳар кўриниши.

Андижон вилояти

Обод Хонобод



Саломатмисиз, маҳалладош?

Тиббий маданият тарғиботи

жойларда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда

Истиқлол йилларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва юртдошларимизга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ислоҳотлар жойларда ўтказилаётган тадбирлар, маҳаллаларда бўлиб ўтаётган учрашувларда намоён бўлаётир.

Яқинда Собир Раҳимов туманидаги Чуқурсой, Истиқлол, Тараққиёт маҳаллаларида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий патронаж кўчма жамоаси шифокорлари томонидан туман соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорликда кам таъминланган, кўп болали оила аъзоларини, хусусан, аёллар, ўсмирлар ва ёш болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари бошланди. Жорий йилда тумандаги 17 та маҳаллада тадбир уюштирилди. Яна 41 та маҳаллада бу каби тадбирларни давом эттириш кўзда тутилган. Мутахассис ва шифокорлар аҳолини тиббий кўрикдан ўтказибгина қолмай, фуқароларга соғлом турмуш тарзи, тиббий маданиятга оид маслаҳатлар ҳам бермоқдалар. Тиббий кўрик натижалари асосида дори-дармон воситалари ҳам бепул тарқатилаётгани эътиборга сазовордир.

Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар бўлими ходимлари иштирокида маҳаллаларда овқатланиш меъёри, меҳнат ва дам олиш, жисмоний фаоллик, зарарли одатлардан сақланиш, оилада, жамиятда соғлом турмуш тарзини барқарорлаштириш мавзусида ҳам учрашувлар ўтказиляпти.

Мухлиса МУҲИДДИНОВА

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

ПОКИСТОН:

МУШАРРАФ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

CNN телеканалининг хабар беришича, Покистон давлати ҳукумати президент Парвез Мушаррафнинг истеъфога чиқиш ҳақидаги қарорини расмий равишда қабул қилди.

Мушаррафнинг истеъфосидан сўнг янги президент сайлангунга қадар мамлакатни парламентнинг юқори палатаси раиси Муҳаммадамин Соомро бошқариб туради.

Эслатиб ўтамиз, 18 август куни Мушарраф телевидение орқали халққа мурожаат этиб, ўзининг истеъфога чиқишини маълум қилган эди. Кузатувчиларнинг фикрича, Мушарраф 18 августда ўзига нисбатан импичмент эълон қилинишини эшитгач, шундай қарорга келишга мажбур бўлган. У телевидение орқали баёнот бериб, ўз хавфсизлигини таъминлаш учун президентликдан воз кечишга розилик билдирганини таъкидлаган.

Жануби-шарқий ОСИЁ:

ТИНЧ ОКЕАНИНИНГ ТИНЧИ БУЗИЛАДИ

Тинч океани ҳудудида янги «Нури» деб ном олган довул юзага келди. Мазкур довул Филиппин, Тайвань ва Хитойнинг жануби-шарқий қирғоқларига хавф солиши мумкин. Гонгконг расадхонасининг маълумотларига кўра, ҳозирда ушбу тропик тўфоннинг маркази Маниладан 730 километр шимоли-шарқда қайд этилган.

Шамол кучи соатига 150 километрга тенг бўлган гигант қуюн шимоли-ғарбий йўналишда Тайвань томон ҳаракатланмоқда. Жума куни у Хитой соҳилларига етиб бориши мумкин.

Одатда Жануби-шарқий Осиё қитъасида довул мавсуми июндан октябрь ойигача давом этади. ИТАР-ТАСС агентлигининг хабар беришича, «Нури» довули жорий йилдаги ўн иккинчи довул экан.

ХИТОЙ:

ШАХТА ПОРТЛАДИ

Хитойнинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган Ляонин вилоятидаги Байцзягоу кўмир шахтасида газ портлаши оқибатида икки нафар одам ҳалок бўлди, дея хабар беради «Синьхуа» агентлиги. Ўн икки нафар ишчи турли даражадаги тан жароҳатини олган, яна 23 нафар кончи эса ер остида қолиб кетган.

Ер қаъридан 252 метр чуқурликда содир бўлган портлаш ҳаво алмаштириш тизимини ишдан чиқариши натижасида ҳалокат жойидаги турли газларнинг концентрати 85 фоизга етди. Ҳозирда қутқарувчилар ушбу тизимни ишга туширишга ҳаракат қилишмоқда.

Бироқ шахталар хавфсизлиги ҳудудий идораси директори Лан Яоюннинг таъкидлашича, ҳаво алмаштириш тизимини қайта ишга туширишгача бироз вақт керак бўлади. Бу вақт оралиғида эса кончилар турли газлар концентрати тўпланган шахтада ҳалок бўлишлари мумкин.

Хитойдаги кўмир конлари меҳнат шароити энг оғир ва хавфли ишлаб чиқариш жабҳаси ҳисобланади. Негаки, бу конларда хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмайди, кўмир қазиб олиш ишлари эскирган технологиялар воситасида амалга оширилади. Норасмий маълумотларга кўра, биргина 2007 йилнинг ўзида Хитойда 3800 нафар кон ишчиси ҳалок бўлган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида Н.БЕРДИБОЕВА тайёрлади.

Истеъмолчига ЭСЛАТМА!

"Товарда кафолат муддатида топилган нуқсонларни сотувчи истеъмолчи тегишли талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида, ишлаб чиқарувчи эса, ўн кун ичида бепул бартараф этиши лозим.

Истеъмолчи кафолат муддати тугаганидан кейин товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчига талаб қўйишга ҳақли. Бундай талаб, башарти товарда ишлаб чиқарувчининг айби билан йўл қўйилган жиддий нуқсонлар аниқланган бўлса, белгиланган хизмат муддати мобайнида, агар хизмат муддати белгиланмаган бўлса, ўн йил мобайнида қўйилиши мумкин..."

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасидан.

Замондошларимиздан бири

Ёруғликка интилган Одам

Обиджон Юсупов билан биринчи учрашганимда, у йигирма икки ёшда эди. Шу учрашувимизга ҳам йигирма икки йил бўлибди. Ўшанда у тўшакка михланиб ётар, дардданми, ҳаракатсизликданми юзи рангпар, кўзлари нурсиз, овози ҳазин эди.

Мен ширкат хўжалиги вакили сифатида унинг аҳволидан хабар олиш учун боргандим. Аввал суҳбатимиз унчалик қовушмади. Аслида касбим журналист эканини эшитиб, Обиджоннинг чеҳраси ёришди. У шеър машқ қилиб турар экан, бир нечтасини ўқиб чиқдим. Унинг машқлари ўксик кўнгилнинг дард, аламлари ифодаси эди...

Орадан йиллар ўтди. Матбуот нашрларида тақдир синовларига бардош билан чидаётган бу матонатли йигит ҳақида ёзилган мақолалар, унинг ижодидан намуналар чоп этилиб турарди.

Яқинда Обиджон билан яна суҳбатлашдик. Йўлим ўша томонларга тушиб, унинг уйига кирдим. Бу сафар мен ногиронлар аравачасида ўтирган бўлса-да, гавдали, билак мушаклари чиниққан, юзи нурли, нигоҳлари қизиқиш ва ҳавас билан боқаётган кишига рўбаро бўлдим.

Унинг хонасида ўша мен кўрган темир кароват. Фақат унинг устига бадан тарбия билан шуғулланиш учун спорт анжомлари ўрнатилган. Бу мосламани Обиджон учун отаси Сайдали ота ўз қўли билан ясаган экан. Хонада Белорусдан олиб келинган махсус тренажёр ҳам ўрнатилган. Обиджон отаси ясаган мосламада кўпроқ машқ қиладиган. Хона тўридаги ёзув столи — унинг иш жойи. Китоб жавонида кўплаб китоблар тахланган. Обиджоннинг ўзи айтганидек, шу китоблар унинг дўстлари, ҳамдарду, дилкаш суҳбатдоши, ҳаётдан сабоқ берувчи муаллими ҳам.

Обиджон оиладаги уч нафар опа-сингиллари ўртасида ёлғиз ўғил эди. У 16 ёшга тўлгунича бошқа тенгдошлари сингари тўрт мучаси соғ, ўйинқароқкина бола эди. Уни шу кўйга солган фалокат тафсилоти менга таниш: ўшанда, яъни 1980 йилда 10-синф ўқувчиларини колхозда каноп ўримига жалб қилишди. Ўсмир йигит шу куни тақдир тақозоси билан бир умр ногирон бўлиб қолишини хаёлига ҳам келтирмаганди, албатта. Нима бўлади-ю, каноп ўрими чоғида Обиджон трактор тагида қолиб кетади. Ким айбдор? Тақдирми? Ё ўсмир боланинг шўҳлигими? Бу саволларга жавоб излаш беҳуда.

Обиджон 9 ой турли шифохоналарда даволанди. Умуртқа поғоналарини операция қилишди. У дардга, оғриққа чидади. Лекин энди бир умр оёғи ҳаракатга келмаслигини эшитиш, тўшакка михланиб умр кечиришга маҳкумлигини англаш... Бунисига чидаш жуда қийин. Отаси Сайдали ака, онаси Нафиса аянинг ўшандаги аҳволини айтмайсизми? Ҳарҳолда вақт ўтгани сайин, қолаверса, қариндош-уруғлар, яхши одамлар, дўст-биродарларнинг ёрдами ва таскини туфайли уларнинг дард-алами бироз бўлса-да, орқага чекинди.

Обиджон — иродали йигит экан, зоҳирию ботинини исканжага олмоқчи бўлган тушкунликка қарши ўзида куч-қудрат топа олди. Тинмай жисмоний машқлар билан шуғулланди — имкони борича жисмонан чиниқди, шеърлар машқ қила бошлади — руҳан чиниқди.

Унинг бир шеърида шундай сўзлар бор:

Бу дунёнинг росту, ёлғонлари кўп,
Ушалмас орзу ва армонлари кўп.
Мендан ҳам аҳволи ёмонлари кўп,
Ўзимга бардошлар тилайвераман,
Аллоҳга шукрлар қилавераман...

Ижод унинг ҳаёти мазмунига айланди. Муҳаббат, садоқат, Ватан тараннуми... Мен шоир эмасман, балки назмни унчалик тушунмасман. Лекин унинг шеърларини ўқиганимда ўзимда маънавий қониқиш сездим, қалбим яйради.

— Ватанни фақат ўзимиз яшайдиган макон, деб билмаслигимиз керак, — дейди Обиджон. — Ватан ҳар бир ватанпарвар инсон учун имон, ифтихор, қолаверса, бахт тимсолидир. Мен жисмонан ожизлик туфайли, бирон жабҳада жавлон уриб ишлаб, она юрт равнақига ўз меҳнатим билан ҳисса қўшолмасам-да, истиқлол, деган сўзнинг мазмунини, юртимизда рўй бераётган янгиланишлар, тараққиёт моҳиятини англаб турганимдан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

Ватанга меҳр Обиджоннинг шеърларида шундай акс этган:

Бу кун жамолингга тўймоқ шарафдур,
Фарзандларинг сафида бўлмоқ шарафдур.
Элим, юртим дея ёниб, меҳнат қилиш шон —
Шарафдур, шаънингга шеър битмоқ, Ватан!

Обиджоннинг отаси Сайдали ота 80 ёшда. Қирқ йилдан ортиқ хўжаликда ишлади, қўлигул уста. У ҳали бақувват, тетик. Ўғли иккаласи яшайди. Улар истиқомат қиладиган Ўрта Чирчиқ туманининг Ўртасарой қишлоқ фуқаролар йиғини ходимлари, ҳамқишлоқлар ота-боланинг ҳолидан доимо хабардор бўлиб туришади. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Муҳаббат Саймусаева эса Обиджоннинг шеърларини жамлаб, китоб чоп эттириш ниятида. "Қишлоғимизда Обиджонни жуда ҳурмат қилишади. У ҳам иродали инсон, ҳам ижодкор сифатида ёшларимизга ўрнак бўлса арзийди. Ҳудудимизда қирққа яқин фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлар бор. Уларнинг ҳомийлигида Обиджоннинг китобини чоп эттирмоқчимиз...» дейди йиғин раиси.

Обиджон ҳам шундай нияти борлигини айтганди. У саховатли қишлоқдошлари, меҳрли одамлар ёрдамида ўз ниятига етса, ажабмас. Ахир Обиджон Юсупов ҳар қандай ҳолатда ҳам умидини сўндирган эмас. Бу ҳақда шундай сатрлар битган:

Боряпман, интилиб ёруғлик томон,
Бардошга айланган гўёки вужуд.
Ўша бир ёруғлик мен учун — армон,
Ўша бир ёруғлик мен учун — умид!

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ,
«Mahalla» мухбири.

Навоий вилояти

Маҳалла тизимида кимлар ишлайди?

ҲАР ҚАНДАЙ МУАММО ЕЧИМИГА ЙЎЛ ТОПИЛАДИ

...Турмуш қурганига эндигина олти ой бўлган келин-куёвни муросага келтириш анча қийин кечди. «Икки ёрти — бир бутун» бўлиб юришар, дея яхши ниятда ногирон ёшларнинг бошини қовуштирган ота-оналар ҳам вазиятнинг жиддий тус олишини кутмаган эдилар. Овул фуқаролар йиғини раиси ва яраштириш комиссиясининг аралашуви билан муаммо ижобий ҳал бўлди — ёш оила сақлаб қолинди...

Учқудуқ туманидаги Мингбулоқ овули фуқаролар йиғини раиси Мустафо Муротов 18 йиллик фаолияти давомида бундай воқеаларга кўп бор дуч келган. Уларни ҳал этишда у ишни, аввало, муаммонинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишдан бошлайди, сўнг вазиятга қараб, йўл тутади. Бунда кўпинча Мустафо аканинг бой ҳаётий тажрибаси, ёшлар билан бемалол тиллаша олиши қўл келади. У овулдошларининг қувончу ташвишларига шерик бўлишни нафақат хизмат вазифаси, балки инсонийлик бурчи деб билади. Шу боис овулнинг каттаю кичиги уни бирдек ҳурмат қилади, ҳар бир ишда маслаҳатига суянади.

Овулда оқсоқол бошчилигида ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, тўй ва турли маросимларни камчиқим, тартибли ўтказиш, орасталик ва осойишталикни таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мустафо ака бошчилигида уюштирилган ҳашарда ҳудуддаги қабристон атрофи девор билан ўралди. Зарафшон қурилиш бошқармаси ҳомийлигида йиғин идорасининг янги биноси қурилган бўлса, ёзги клуб ва мактабдаги иситиш тизими Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармаси томонидан таъмирлаб берилди. Эътиборли томони шундаки, бошқарма раҳбарияти овул аҳолиси билан тез-тез очиқ мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказиб туради. Бундай тадбирларда аҳолини ташвишлантираётган муаммо ва камчиликлар атрофлича муҳокама этилиб, уларни ижобий ҳал этиш чоралари кўрилади. Яқинда бошқарма томонидан овул шифохонасига «тез ёрдам» машинаси ажратилди.

Овул марказида бозор, оталар чойхонаси ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари фаолияти йўлга қўйилган. Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади.

Мустафо Муротов 1976 йилдан буён халқ депутатлари туман кенгаши депутати. Унинг меҳнатлари туман ва вилоят ҳокимлиги томонидан бир неча бор эътироф этилган, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Сергайрат оқсоқол 2000 йилда «Шуҳрат медали»га ҳамда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги» кўкрак нишонига сазовор бўлган кундаги ҳаяжонини бир умр ёддан чиқармайди. Бундай кунлар шукуҳи уни янада шижоат билан ишлашга ундаб туради.

Азамат ЗАРИПОВ,
журналист.

Сирдарё вилояти

Гулистон шаҳридаги Янгиҳаёт маҳалласи аҳли касаначилик асосида ҳунармандчиликнинг бир неча турлари билан шуғулланади. Маҳаллада ташкил этилган "Маъмура" номли тикувчилик цехида турли халқ эҳтиёжи учун зарур бўлган турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишидан ташқари, янгиҳаётлик хотин-қизлар моҳир тикувчилардан касб сирларини ўрганмоқдалар. Йилига 24-27 нафар хотин-қиз "Маъмура" орқали касб-ҳунарли бўлмоқда.

СУРАТДА: *тикув цехи раҳбари Мукаррам Толипова шогирдлари Шоира Пиримқулова, Ленис Гафарова билан.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Жиззах вилояти

Маслаҳатчи иш тажрибасидан

Бундан тўрт йил аввал мени ўзим яшаб турган маҳалла фуқаролар йиғинига ишга таклиф этишган эди. Шу асосда Олмазор маҳалласида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида ишлай бошладим.

Турмушга тайёрмисан, ҚИЗГИНА?

Фаолиятимда дастлаб маҳалладаги оилаларнинг ҳаётини ўрганишга алоҳида эътибор қаратдим. Сўнг маҳаллага отинойи, ҳар бир кўчага фаол аёллардан кўчабошилар сайладик. Қарабсизки, ишлар юришиб кетди. Нотинч оилалар билан алоҳида шуғулландик. Ана шундай хонадонлардаги муаммоларнинг сабабларини аниқлаб, уларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш устида ишладик. Фаолиятимнинг дастлабки кунларида маҳаллада 5 та нотинч оила рўйхатда турган бўлса, ҳозир бу ҳолатга барҳам берилган.

Умуман, маҳалламиздаги ижтимоий муҳит кундан кунга яхшиланиб бораётгани эътирофга арзийди. Бундан тўрт йил муқаддам маҳаллада ишсизлик муаммоси мавжуд эди. Иш сўраб бизга мурожаат қилган маҳалла хотин-қизларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида шаҳар меҳнат бўлими масъул ходимлари билан ҳамкорликда мулоқотлар уюштирдик. Натижада маҳаллада фаолият юритаётган тўрт нафар тикувчи ва зардўз хотин-қизларнинг уйларида ҳунар ўргатиш курслари очилди. Ҳозирда маҳаллада 60 нафардан зиёд уй бекалари ўз ҳунари орқасидан даромад кўрмоқда. Қолаверса, уларга меҳнат дафтарчалари ҳам очилган. Маҳалла фуқаролар йиғининнинг кўмаги билан аёлларимиздан 12 нафари уй шароитида кўрпа-ёстиқ, 9 нафари тўн, белбоғ ва дўппи тикиш, қарийб 20 нафари эса ҳар хил пиширикдар тайёрлаб сотишни йўлга қўйди.

Маҳаллада хотин-қизларнинг ҳуқуқий савиясини юксалтириш, уларнинг турмуш даражасини янада яхшилашда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб туришнинг аҳамияти катта экан. Жумладан, маҳалламизда ўтказилган «Ибратли оила», «Сариштa уй бекаси», «Китобхон оила», «Гулсевар хонадон» ҳамда «Қайнонам — онам менинг» каби кўрик-танловларда маҳалладошларимиз фаол иштирок этишди. Шунингдек, «Эр-хотиннинг мажбуриятлари», «Қизлар катта ҳаёт бўсағасида», «Ота — оила таянчи», «Соғлом она — соғлом авлод», «Никоҳ ва оила», «Аёл ва ҳуқуқ» сингари мавзуларда ўтказилган давра суҳбатлари фуқароларда катта қизиқиш уйғотди.

Яна бир қувонарли жиҳати, маҳалламизда тўй-ҳашам ва бошқа турли маросимларни ўтказиш тартибга солинган. Хусусан, «Фотиҳа тўйи» ва «Нон синдириш» маросимлари ихчамлаштирилди. Катта дабдабага айланиб кетадиган «Қизлар мажлиси»га чек қўйилди. Бундай тадбирларга сарфланаётган ортиқча маблағларни оила қураётган ёшларга уй-жой жиҳозлари, хўжалик буюмларини харид қилиш учун сарфлаш анъанаси ҳам йўқ эмас, бизда.

Ҳудудимизда жойлашган «Фарҳод» бозори раҳбари Раъно Обидова маҳалламизнинг энг фаол ҳомийларидан бири. Шунингдек, О.Нишонова, И.Ниёзова, Д.Қўлдошова, Д.Қурбонова ва Д.Ҳазратқулова сингари фаол аёлларимиз маҳаллада ўтказилаётган тадбирларга бош-қош бўлишмоқда.

Одатда, аксарият оилавий низо ва ажримлар йигит-қизларнинг оилавий ҳаётга тўлиқ тайёр бўлмай туриб турмуш қуриши туфайли юзага келади. Ҳудудимизда мазкур муаммога йўл қўймаслик мақсадида «мактаб — оила — маҳалла» ҳамкорлиги асосида балоғат ёшидаги йигит-қизлар ўртасида «Ўсмир ва оила», «Турмушга тайёрмисан, қизгина», «Ёшлар ва никоҳ» мавзуларида давра суҳбатларини тез-тез уюштириб турибмиз. Бу каби тушунтириш ишларининг тўғри йўлга қўйилгани натижасида сўнгги уч йил ичида оилавий ажримлар кузатилмади.

Ўтган йиллар давомида маҳалламиз «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви томонидан ўтказилган турли кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритиб келмоқда. Жорий йилда ҳам юқори натижаларга эришиш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз.

Махпурат БЕРДИЕВА,
Жиззах шаҳридаги Олмазор маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Олам турфа

БАЛИҚЧИНИНГ РЕКОРДИ

Ҳар йили балиқ тутиш бўйича ўтказиладиган анъанавий «Lion Red Snapper Fishing Classic» мусобақаси жорий йилда Янги Зеландиянинг Шимолий оролида бўлиб ўтди.

Унда Янги Зеландиянинг Тауранга шаҳрилик балиқчи Воган Крейвен 20 дақиқа ичида энг катта балиқни тутиб, мусобақада янги рекорд ўрнатди. 9,315 килограмм оғирликдаги балиғи учун Крейвен 50 минг доллар миқдоридаги совринни қўлга киритди. Унинг бу кўрсаткичи сўнгги 27 йил ичида эришилган энг юқори натижа деб тан олинди.

БАХТСИЗ ҲОДИСАМИ Ё БАХТЛИ ТАСОДИФ?

Нью-Йорк шаҳрида 12 ёшли Грейс исмли қиз кўпқаватли бинонинг 14-қаватидан йиқилиб тушди. Бахтли тасодиф туфайли қизалоқ бир уюм қурум устига тушиб, бели бироз шикастланди, холос.

Грейс меҳмонга келган қариндошига Гудзон ва Манхэттенни томоша қилдириш мақсадида уйининг томига чиқади. Бехосдан қоқилиб кетиб, ғиштли мўридан 55 метр пастликка тушиб кетади.

Бахтсиз ҳодисадан хабар топган қизнинг отаси дарҳол уни қутқариш ҳаракатига тушади. Бироқ унга қадар ёнғин хизмати ходимлари Грейсни уйнинг ертўласидан топиб бўлишган эди.

Ҳозирда Грейс шифохонада, шифокорлар унинг аҳволи яхши эканлигини таъкидлашяпти. Қизалоқнинг қариндошлари эса унинг тирик қолишини бахтли тасодиф дейишмоқда.

Диққат, кўрик-танлов

«Маҳаллам тарихини ўрганаман» Республика кўрик-танловининг НИЗОМИ

I. Кўрик-танловнинг мақсади

«Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танлови «Қадриятлар бешигисан — азиз маҳаллам» шиори остида ўтказилиб, унинг мақсади маҳалла ёшларининг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, бўш вақтларини мазмунли ва кўнгилли ташкил этиш, маҳаллаларнинг тарихий хусусиятларини, номланиш тарихини ёшлар онгига сингдириш, уларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, аждодларимизнинг кўп асрлик бебаҳо ва улкан меросини тиклаш, ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясига эътиборни кучайтириш, ёшлар шуурида ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат каби улуғвор фазилатларни камол топтириш маҳалларнинг ўрни беқиёс эканлигини тарғиб этишдан иборат.

II. Кўрик-танлов шартлари

Кўрик-танлов Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар туман (шаҳар)лари ҳамда Тошкент шаҳри туманларида маҳалла ёшлари иштирокида маҳаллараро ўтказилади. Унда ҳар бир маҳалланинг ташкил топиши ва номланиш тарихи ҳамда маҳалланинг ривожланишига ҳисса қўшган фидоий инсонларнинг фаолияти ўрганилиб, маҳалла ёшлари ўртасида турли тадбирлар ташкил этилади.

Кўрик-танлов иштирокчилари 3 та шарт асосида ўзаро беллашадилар. Ҳар бир шарт 10 баллдан баҳоланиб, умумий баллар жамланади ва ғолиблар аниқланади.

1-шарт. Кўрик-танловда қатнашиш учун фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссиясининг иш фаолияти ва «Оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлиги» концепцияси доирасида олиб борилаётган ишлар бўйича қуйидаги 8 та йўналиш бўйича тўлиқ маълумотлар туман (шаҳар) ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади:

1) Маҳалла тарихи ҳақида тўлиқ маълумот;

2) Маҳалла ёшлари ҳақида умумий маълумот;

3) Фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссиясининг фаолияти ва эришган ютуқлари ҳақида маълумот (комиссияни ташкил этиш тўғрисида фуқаролар йиғининнинг қарори, комиссия таркиби, комиссия аъзолари ўртасида белгиланган вазифалар тақсимоти ва иш режаси);

4) "Оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлиги" концепцияси доирасида маънавий-маърифий, ҳуқуқий тарбияга қаратилган ҳамкорликдаги чора-тадбирлар режаси ва ижроси;

5) Ёшлар қалбида ватанпарварлик, инсонпарварлик фазилатларини камол топтириш ва улар онгига миллий мафкура, анъана ва урф-одатларга ҳурмат ҳиссини ва маҳалла тарихига оид билимларни сингдириш борасида олиб борилаётган ишлар амалиёти;

6) Маҳаллада миллий ҳунармандчилик ишларига ва турли тўгаракларга вояга етмаган ёшларнинг жалб этилганлиги;

7) Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида амалга оширилган ишлар, ўтказилган спорт мусобақалари;

8) Носоғлом диний ғоялар таъсирига тушиб қолган, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик ҳолатлари содир этган ёшлар билан иш олиб бориш борасида амалга оширилган ишлар натижаси ва 2005-2007 йилларга оид кўрсаткичлар таҳлили;

Маълумотга маҳалла тарихини акс эттирувчи барча тегишли ҳужжатлар ҳамда фотоальбом, буклет, плакат, стендлар илова қилиниши лозим.

2-шарт. Маҳалла ҳудудида жойлашган ҳар бир мактабнинг 9-синф ўқувчилари ўртасида "Қадриятлар бешигисан — азиз маҳаллам" шиори остида "Маҳаллам тарихини ўрганаман" мавзусида энг яхши иншо танловларини ўтказиш.

Ушбу танловда ижодий ишларга ҳар бир ўқувчи томонидан маҳалланинг тарихий хусусиятлари, миллий қадриятларимизнинг аҳамияти ва мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, ўзи истиқомат қилаётган маҳалла тарихи тўлиқ асосланган ҳолда баён этилиши ҳамда мактаб ҳудудида жойлашган маҳаллалар тарихини ўрганишга бўлган қизиқишлари, шунингдек, маҳаллада истиқомат қилган тарихий шахслар ва фахрийлар фаолиятининг кенг ёритилишига кўра баҳо берилади.

3-шарт. "Маҳалламиз тарихидан" деб номланган ушбу шартда жамоалар ўз чиқишларида маҳалласининг бугунги кунгача бўлган тарихи, ҳудуднинг ўзига хос турмуш тарзи, қадриятлари ва анъаналарини тарғиб этиш ва ёшлар онгига ота-боболардан қолган меросни сингдиришда олиб борилаётган ишлар ҳамда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлардан бир саҳна кўринишини намойиш этишлари керак бўлади. Намойиш вақти 10 дақиқадан ошмаслиги шарт.

Кўрик-танловнинг 3 та шарти бўйича туман (шаҳар), вилоят босқичи иштирокчилари 3 нафар ўсмир ва 3 нафар қизлардан, жами 6 нафардан ошмаслиги шарт.

Кўрик-танловда иштирок этувчи маҳалла жамоалари жамоа номи, шиори, кўкрак нишонига эга бўладилар.

III. Кўрик-танловни ташкил этиш

Кўрик-танлов жойларда «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда халқ таълими бошқармалари ва бўлимлари ҳамкорлигида тузилган комиссиялар томонидан ўтказилади.

IV. Кўрик- танлов босқичлари

Кўрик-танлов 3 босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич. 2008 йил сентябрь ойи давомида туман (шаҳар)ларда тегишли комиссиялар томонидан маҳаллаларо ўтказилиб, бунда ҳар бир туман (шаҳар)дан битта маҳалла жамоаси танлаб олинади ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳри ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади.

Иккинчи босқич. 2008 йилнинг октябрь ойи давомида ўтказилиб, бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳакамлар ҳайъати туман, шаҳарда биринчи ўринни эгаллаган маҳалла болалари фаолиятини яна бир бор жойларда батафсил ўрганиб, биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб ибратли маҳалла жамоасини аниқлайди ва уларни муносиб рағбатлантириш тўғрисида «Маҳалла» жамғармасининг тегишли бўлими бошқаруви ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимига тавсия этади.

Учинчи босқич. Кўрик-танловнинг республика босқичи 2008 йил ноябрь ойи давомида Республика ҳайъати томонидан ўтказилади. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кўригида биринчи ўринга сазовор бўлган маҳаллалар ёшларининг танловда 1 ва 2-шартлар бўйича эришган ютуқлари Республика ҳайъати томонидан яна бир бор ўрганиб чиқилади ва билдирилган таклифларни эътиборга олган ҳолда кўрик-танловнинг 3-шарти якунлари асосида ғолиблар аниқланади ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

V. Кўрик-танлов якунлари бўйича тегишли ҳужжатлар ва уларни тақдим этиш тартиби

Кўрик-танловда қатнашган ҳар бир маҳалла тўлиқ маълумотни керакли иловалар ва фуқаролар йиғини қарори билан бирга тегишли туман (шаҳар) комиссияларига белгиланган муддатда тақдим этади.

Маълумот фуқаролар йиғини раиси имзоси ва маҳалла муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Туман (шаҳар) комиссиялари ғолиб деб топилган маҳаллани Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўрик-танлов комиссияларига тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда тақдим этадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кўрик-танлов комиссиялари тегишли туман (шаҳар) комиссиялари тақдим этган маълумотларни кўриб чиқиб, биринчи ўринни эгаллаган маҳалла ҳужжатларини, комиссия қарори билан бирга барча бирламчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда Республика кўрик-танлов ҳайъатига тақдим этадилар.

VI. Ғолибларни тақдирлаш

Кўрик-танлов иштирокчиларини қуйидаги масъул ташкилот вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб бориши тавсия этилади:

- «Маҳалла» жамғармаси;
- «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати;
- Халқ таълими вазирлиги, бошқарма ва бўлимлари;
- Хотин-қизлар қўмитаси;
- Маданият ва спорт ишлари бошқарма ва бўлимлари;

1-босқич: туман (шаҳар) босқичида аниқланган ғолиб жамоалар «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан ҳамда ҳудуд шароитидан келиб чиқиб, ҳомийлар жалб этилган ҳолда рағбатлантирилади.

2-босқич: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичида аниқланган ғолиб жамоалар жойларда «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва халқ таълими бошқармаси томонидан Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

3-босқич: Республика босқичида ғолибликни қўлга киритган жамоалар «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва Халқ таълими вазирлиги томонидан Диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар, иштирокчилар эса Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

«Ниҳол — 2008»

ИСТЕЪДОДГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Мамлакатимизда истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва иқтидорини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пойтахтимиздаги муҳташам «Истиқлол» санъат саройида бўлиб ўтган «Ниҳол» мукофотининг 2008 йилдаги совриндорларини тақдирлаш маросимида бунга яна бир бор амин бўлдик.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан уч босқичда ўтказилган мазкур танловда намунавий мусиқа ижрочилиги, мумтоз қўшиқчилик, опера ва рақс санъати бўйича ғолиб бўлган 15 нафар ёш истеъдод эгалари тақдирланди. Совриндорлар мазкур танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча туман ва шаҳарларда бўлиб ўтган биринчи босқичида қатнашган 8 мингдан зиёд йигит ва қизлар орасидан саралаб олинди. Бугунги кунда Президентимиз томонидан таъсис этилган мазкур мукофотга сазовор бўлганлардан кўпчилиги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими каби юксак унвонлар соҳиблари эканлиги танловда ҳақиқий истеъдодлилар танланганини кўрсатади.

Шунингдек, «Ниҳол» совриндорларининг аксарияти нуфузли халқаро мусиқа фестивалларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. Жорий йил мазкур мукофотга турли мусиқа йўналишлари ва хореография бўйича Дилноза Шерматова, Зиёда Қобулова, Гулмира Абдулаҳатова, Бунёд Саидов, Саида Саидбекова, Муҳаббат Меҳмонова, Раъно Авазова, Илёс Арабов, Азамат Муҳаммаджонов, Шавкат Эргашев, Беҳзод Абдураимов, Сирожиддин Файзиев, Саъдулла Бадалов, Ойбек Алимов ва Нигора Исмоилова дуэти ҳамда Рашид Хўжасов лойиқ топилди.

— Санъатни инсоннинг руҳиятини покловчи, эзгуликка чорловчи сеҳрли кучга ўхшатаман, — дейди рақс йўналиши бўйича «Ниҳол — 2008» мукофоти совриндори Дилноза Шерматова. — Юртбошимиз, халқимиз томонидан билдирилаётган юксак ишонч зиммамизга катта масъулият юклаши билан бирга бизни катта довонлар, янги-янги марралар сари интилишга ундайди.

Дарҳақиқат, Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг эркин ижод қилиши, ўз иқтидорларини намоён этиб, аждодларга муносиб ворис бўлиши учун бугун жойларда шарт-шароитлар муҳайё. Илм-фан, спорт, маданият каби жамики жабҳаларда ютуқларга эришаётган ёшларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида танловда иштирок этган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги зукко ёшлар ҳам кун келиб, жаҳон саҳналарида юртимиз довруғини янада юксакларга кўтариши, шубҳасиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Муҳайё БОЙМУРОДОВА

Бир маҳалла тарихи

Сурхондарё вилояти

ТАРИХИ ҚАДИМИЙ, ҚИЁФАСИ ЭСА ЗАМОНАВИЙ

**** Карвон йўллари кесишган жой***
**** Бойсун олмасини қулол етиштирган экан***
**** Тузбозорликларнинг «тўни тор келмайди»...***

Бойсун шаҳри марказида жойлашган Тузбозор маҳалласига кўрк бўлган иншоотлар анчагина — бозор, кинотеатр, Миллий ҳунармандчилик маркази, масжид, турли дўконлар, чойхонаю ошхоналар... Замонавий ва обод қиёфага эга бу маҳалланинг тарихи аслида жуда қадим замонларга бориб тақалади.

Қадимда ушбу маҳалла ўрнида жуда катта туз бозори бўлиб, шарқу ғарбдан келган савдогарлар бу ерда катта миқдорда туз харид қилишар ва узоқ ўлкаларга элтишар экан. Бойсунликлар тузни Хўжайиқондан қазиб келтириб сотар экан. Туз савдоси минглаб бойсунликларнинг даромад манбаи бўлган. Ўша замонларда тузнинг қадри жуда юқори бўлиб, ҳатто савдосотиқ ишларида пул бирлиги сифатида ҳам қўлланилган.

Тузбозор маҳалласи ҳудуди жуда катта бўлиб, ҳозирги Чорчинор, Кўктепа, Ариқ усти, Пойгабоши маҳаллалари ҳам қадимда Тузбозорга қарашли бўлган. Бойсун беклигининг қўрғони ҳам шу ерда жойлашганлиги Тузбозор қадимда стратегик муҳим ҳудуд ҳисобланганидан далолат. Қадимги Тузбозорнинг Бўри Тўқсабой, Шукур Тўқсабой, Жўра Тўқсабой, Ҳамдам раис каби элнинг олдига тушадиган, кўпга сўзи ўтар кайвонилари бўлганки, тузбозорликлар уларнинг маслаҳат ва йўл-йўриғига қулоқ осган.

Довруғи узоқларга кетган Бойсуннинг қизил нақш олмаси тарихи ҳам айнан шу маҳалла билан боғлиқ. Ровийларнинг айтишларича, ўтган асрда Тузбозорда Фозил исмли қулол яшаган. Унинг самарқандлик савдогар дўсти бўлиб, ҳар йили кулолдан кўза сотиб олгани келар экан. Бир йили қишда ўша савдогар Фозил қулолга бир нечта олма келтиради. Олманинг бу ернинг меваларига ўхшамаган ўзига хос таъми ва хушбўй иси қулолни ҳайратга солади ва дўстидан меванинг ватани ҳақида суриштиради ва шу олма унган дарахт новдасидан келтиришни илтимос қилади. Келаси йил савдогар дўсти кулолга Эрондан ўша олма дарахти новдасини келтиради. Фозил кулол новдани пайвандлаб, кўпайтиради. Кулол ҳовлисида унган олмаларнинг довруғи элга ёйилиб, ҳатто Бухоро амиригача етиб боради. Бойсун беклигидан келган олмаларни татиб кўрган Амир Олимхон кулолни Бухорога чорлайди, катта зиёфат уюштиради. Кулол амир ҳузуридан кўп совғалар билан қайтади. Навкарлар уни Бойсунгача иззат-ҳурмат билан кузатиб қўядилар. Энг қизиғи, ажойиб таъм ва ҳидли Бойсуннинг жайдари олмаси Тузбозор маҳалласининг 3-4 км радиусида жойлашган ҳудудда ўсади. Ҳозиргача Бойсуннинг бошқа жойларида ҳам бундай олмани ундиришга кўп уринганлар, аммо... бунга эриша олмаганлар. Ажабо!

Тузбозор маҳалласи аҳли қизиқарли ва бой ўтмиши билангина эмас, балки айни кундаги фаровон турмуши билан ҳам фахрланишади. Қолаверса, айнан шу маҳаллада улғайган етук ижодкорлар, зиёлилар тузбозорликларнинг яна бир ифтихори. Шукрулло Умаров, Муҳад Хўжамуродова, Умар Мирзо, Ҳикмат Ҳасанов, Зокир Умаров, Ойша Омонова, Майрам Соҳибқулова, Ҳамид Қодиров, Сами Саъдуллаев, Маҳмуда Азимова, Ғаффор Самадов, Исмат Норбоев, Холиқ Хурсанов каби республикамизга таниқли олим, ёзувчи, журналист, давлат арбоблари Тузбозорда улғайиб ўсган. Ўзбек бадиий адабиёти заҳматкашлари — ёзувчилар Эркин Аъзам ва марҳум Шукур Холмирзаев, наинки, Тузбозорнинг, балки халқимизнинг муносиб фарзандларидир.

Айни кунларда ушбу маҳалла фуқаролар йиғинига Фарҳод Мавлонов раислик қилмоқда. Бу ерда кейинги йилларда катта қўламда бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Йил бошидан буён маҳалла ҳудудидаги Бўри Ҳасанов номидаги катта кўча асфальтланди, Дўстлик ва Қўрғони боло қабристонлари саришталанди, атрофи тош девор билан ўралиб, дарвоза ўрнатилди. Бу ишларда тадбиркорлар Рустам Ёдиков, Зариф Умаровларнинг ҳиссаси катта бўлди. Ҳомийлар ҳисобидан маҳалла идораси биноси таъмирланди.

Маҳаллада спорт мусобақалари ҳам тез-тез ўтказиб турилади. Масалан, ўтган ойда Тузбозорда хотин-қизлар ўртасида волейбол бўйича, ёшлар ўртасида эса каратэ бўйича мусобақалар ўтказилди. Уларда Тузбозорга қўшни маҳаллалар вакиллари ҳам қатнашдилар.

Тузбозорнинг ободлиги маҳалла аҳлининг ҳамжиҳатлигидандир. Тузбозорликлар ҳар бир ишни кенгашиб, маслаҳатлашиб амалга оширишга ўрганишган. Шу боисдан қандай юмуш бўлмасин, ҳар бир маҳалладош ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилади. Ахир «Маслаҳатли тўн тор келмас», деб бекор айтилмаган-ку.

Эркин МУҚИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

Касби тумани Муғлон қишлоғидаги Кулоллар маҳалласида яшовчи тандирсоз уста Бахтиёр Сатторов кулолчилик билан шуғулланиб келаётган ҳунармандлар сулоласининг ўн саккизинчи вакили ҳисобланади. У ясаган тандирларга харидорлар ҳатто қўшни туманлардан ҳам харидорлар келишади.

Қашқадарё вилояти

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Донолар бисотидан

Яхшилик қила олмасанг, ёмонлик ҳам қилма. Яхшиликни ёмонликдан яхшироқ деб билмасанг, ёмонроқ ҳам дема. Яхшилик қилишни билмасанг, яхшиларга қўшил; яхшилик атрофида айлана олмасанг, яхшилар атрофида айлан.

Алишер НАВОИЙ

Қачонки савдогар кийимнинг яхши тарафини кўрсатиб, ёмон жойини яшириб сотса, у ёлғончидир. Шунингдек, молини қоронғи жойда кўрсатса, шу каби махсининг энг яхши пойини кўрсатиб сотса, у фирибгардир.

Абу Ҳомид ал-ҒАЗЗОЛИЙ

Ҳаромдан топилган бир дирҳамни тарк этиш юз минг дирҳамни садақа қилишдан афзалдир.

Абдуллоҳ ибн МУБОРАК

Инсон ўзини майда гап, ўчакиш, жанжал, шикоят, норозилик, оҳу воҳлардан озод қилолмас экан, у ифлос ва пастлик табиатидан халос бўлолмайди.

Абу Али ибн СИНО

«ЙЎЛ ҚОИДАСИ — УМР ФОЙДАСИ»

Бектемир туманидаги 293- мактабда Мудофаага кўмаклашувчи Ватанпарвар ташкилоти Бектемир тумани кенгаши ташаббуси билан ёзги соғломлаштириш майдончаси ташкил этилди. Майдончага «Ёш авлод» деб ном берилди.

— Ўйингоҳ фарзандларимиз учун турли мусобақалар ўтказишга мўлжалланган, — дейди «Ёш авлод» соғломлаштириш майдончаси ишига масъул Наргиза Отабоева. — Эндиликда болажонларимиз бу ерда бўш вақтини мазмунли ўтказишади.

Яқинда навбатдаги мусобақалардан бири «Йўл қоидаси-умр фойдаси» викторинаси ташкил этилди. Мусобақада ҳудуддаги Абай, Чашма, Мажнунтол, Роҳат маҳаллалари болалари иштирок этишди. Викторина шартларига кўра, Юлдуз Эсхонова, Исмоил Тожибоев, Ислом Азаматов, Улуғбек Жўраев, Моҳира Собитова, Рисолат Қобилжонова, Моҳира Худоёрова, Муҳамадали Абдуназаровлар ғолиб деб топилди. Шунингдек, иштирокчиларга Бектемир тумани Ўқув спорт-техника клубининг мураббийлари спортнинг техник ва амалий турлари, «Ёзги биатлон», «Нишонга ўқ отиш» каби ўйинлар бўйича тушунчалар беришди. Ғолибларга Ватанпарвар ташкилоти туман кенгашининг қиймат-баҳо ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўлмасхон ҚОДИРОВА

Тошкент шаҳри

Мулоҳаза учун мавзу

... Ўйнини кўриб, ўйга толдик

ёхуд рақсга тушишда ҳам баъзи меъёрлар борлиги хусусида

Дунёдаги ҳар бир халқ ўз рақс санъатига эга. Юртимизнинг турли ҳудудларидан топилган ғор ва қоятошларга, нарса-буюмларга туширилган тасвирлар ўзбек рақс санъати жуда қадим тарихга эга эканидан далолат беради. Дунё халқларининг миллий рақслари тарихий, ижтимоий ва географик шароитлар асосида шаклланган бўлиб, анъаналари, ижро услуби, пластик тасвирий воситалари жиҳатидан бир-биридан фарқланади.

Ўзбек аёлларининг рақслари нозик ва нафис ҳаракатлари, эркаклар рақси эса шиддаткорлиги билан ажралиб туради. Мукаррама Турғунбоева жаҳон миқёсига олиб чиққан ўзбек рақс мактаби анъаналари Қизлархон Дўстмуҳамедова, Маъмура Эргашева, Дилафрўз Жабборова, Малика Аҳмедова сингари раққосалар томонидан ривожлантирилди. Улар юртдошларимизда рақс санъатига нисбатан қизиқиш ва эҳтиром уйғота олдилар. Ўша даврларда раққоса бўлишни орзу қилувчи қизлар, фарзандларини ҳавас билан хореография билим юртига етаклаб борувчи ота-оналар кўпайгани ҳам бежиз эмас.

Ҳозир кўпчилик қизларда чинакам раққоса бўлишдан кўра, бир-иккита рақс ҳаракатларини ўзлаштириб, бирон кафе ёки ресторанда ўйнаб, концерт ёки клипда чиқиб пул топиш истаги кучлироқдек туюлади. Айрим концерт ва клипларда «рақс» сифатида тақдим этилаётган ҳаракатлар турфа халқлар рақсларига хос элементларнинг бузиб ижро этилиши йўналишидаги иборат холос. Кўча-кўйда, хусусий газета саҳифаларида чоп этилаётган эълонларда араб, ҳинд, испан рақсини ўргатувчи курсларнинг кўплиги ҳам кишини ўйга толдиради. Тўғри, қайси миллатга тааллуқли бўлмасин рақс ўрганиш яхши, бунда инсон жисмонан, руҳан тетиклашади. Лекин урф бўлди, деб хотин-қизларимизнинг тўй-тантаналарда миллий куй-қўшиқларга ҳам арабча услубда, яъни ортиқча эшилиб-букилиб «хиром айлашлари», юмшоқ қилиб айтганда, ҳунук кўринади. Гапнинг очиғи, бугун ўзбекча қўшиқларга ижро этилаётган арабча, ҳиндча рақс ҳаракатлари қоришиғидан иборат омихта рақсларни томоша қилишга кўз анча кўникиб қолди. Ҳатто боғча тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчилари ҳам байрам ва тадбирларда шундай «рақслар»ни ижро этишяпти. Баъзан қизалоқларнинг ёшларига номуносиб хатти-ҳаракатлари, ноз-карашмаси, кўз сузишларию қош қоқишларини кўриб ёқа ушлайсан киши.

Миллий рақсларимиз умумхалқ ва миллий байрамлар муносабати билан уюштириладиган асосий байрам тантаналарига, турли концерт ва тадбирларга ўзгача файз қўшади, уларни мириқиб томоша қиламиз. Афсуски, тўй-ҳашамларда, оилавий ва бошқа тадбирларда, қолаверса, айрим концерт ва клипларда рақс ўрнига бачкана ҳаракатлар қилиш, эчкидай сакраш урфга кирмоқда. Халқнинг маънавий даражаси, урф-одат ва анъаналари тўйларда намоён бўлади. Тўғри, тўйларда аждодларимиздан қолган айрим урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолган бўлсак-да, кимўзарга ёки кимларгадир таклид қилиб орттирган тутумларимиз ҳам улардан кам эмас. Тўйнинг асосий қисмини ташкил этувчи базм кечаси эса куй-қўшиқ ва рақслар билан файзли. Лекин бинойидек бошланган кеча ярмига етар-етмас меҳмонларнинг гала-гала ҳолда ўртага чиқиб, оммавий «рақс» бошлаши, пул қистириш, ур-сурлар тўйга файз киритмаслиги аниқ. Устига-устак, кийимлар калта-култа, мусиқалар аралашқуралаш, қўшиқлар мазмунан саёз. Шу ҳолатда тўйларимизни миллий қадрият сифатида бошқа халқларга кўз-кўз қила оламизми?

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида «...раққос(а)нинг гармоник тана ҳаракати ва ҳолатлари, пластик ифодавийлиги ва юз имо-ишоралари, ритм, темп, композиция орқали образ яратиш рақснинг асосий воситасидир» дейилган. Кўриниб турибдики, раққос ёки раққос ўз ҳаракатлари орқали образ яратади, ички дунёсининг қандай эканлигини, табиатини, содда қилиб айтганда, ўз-ўзини ифода этади.

Юқорида баён этилган мулоҳазаларимиз орқали ҳар бир инсон профессионал даражада рақс ижро этиши керак, дейиш фикридан йироқмиз. Аммо рақсларимизнинг бемаъниликка айланиб кетишига ҳам бефарқ қараб туролмаймиз. Зеро, бу маънавиятга дахлдор масаладир.

Шаҳноза ЭРҒАШЕВА

Ажабо!

Япониянинг Исикава музофотидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кимошди савдосида «Рим ёқути» навли бир бош узум рекорд кўрсаткич — 910 АҚШ долларига сотилди, дея хабар тарқатди Associated Press агентлиги. Маълумотларга кўра, мазкур узумнинг харидори Японядаги нуфузли меҳмонхоналардан бирининг менежеридир.

БИР БОШ УЗУМНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?



Кимошди савдоси ташкилотчиларининг ҳисоб-китобларига кўра, сотилган узум боши 35 та узум донасидан иборат бўлиб, уларнинг ҳажми ўрикдек келади. Бир дона узумнинг баҳоси эса 26 долларга тўғри келмоқда.

— Узумнинг бу нави ширин ва мазали, — дейди Исикава музофотининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича матбуот котиби Хирофуми Ису. — Фермерларимиз жорий йилнинг сентябрь ойи ўрталарига бориб яна бир ярим минг бош «Рим ёқути» узумини сотувга чиқаришни режалаштиришмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, «Рим ёқути» навли узум Исикавада 1994 йилдан бошлаб ҳукумат топшириғига асосан етиштириб келиняпти.

Утерянный гос. ордер №05-02/10483 от 28.05.1993г. права собственности на квартиру на имя Мухитдинов Зухритдин Хуснитдинович считать недействительным.

Утерянный гос. ордер №10-02/13690 от 19.03.1993г. права собственности на квартиру на имя Холмухаммедова Саодат Низамовна считать недействительным.

Утерянный кадастр на землю NK=2237273466 и на сооружение 11-293/2005 принадлежащей Усманову Баҳрамжан Инамовичу выданный по адресу Мирабадский район ул.Афросиёб считать недействительным.

Частное предприятия "REAL-QURUVCHI" зарегистрировенние отделом государственной регистрации субектов предпринимательство хокимиата Юнус-Абадского ройоне г. Ташкента находяшшийся по адресу г. Ташкент ул. Г. Мовлянова-52/9

(ИНН-205058764 код окпо-19593480) ликвидируется в соответствии с приказом № 60 от 15.08.2008г Притензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования указанного объявления.

ХК «DILSHOD UNIVERSAL SERVIS» зарегистрированный в хокимияте М.Улугбекского района г.Ташкента реестровым номером №003336-04 от 14.11.2007г, объявляет о своем присоединении с ООО «REM STORY DOR KOMPLEKT» зарегистрированного в хокимияте Яккасарайского района г.Ташкента реестровым номером №003507-1 от 24.10.2007г на основании протокола намерения от 30.07.2008г., также объявляет о том, что ООО «REM STORY DOR KOMPLEKT» берет на себя все финансовые и хозяйственные обязательства ХК «DILSHOD UNIVERSAL SERVIS». Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент ул.М.Миракилова 68а, тел: 255-67-00.

Общество с ограниченной ответственностью «ALEKSANDR-VASILYA SERVIS» (ООО «ALEKSANDR-VASILYA SERVIS») зарегистрированное Отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимята Мирабадского района г.Ташкента, зарегистрированное по адресу: Мирабадский район, ул.Янги-Замон д7, кв.15. (ИНН 300583034) ликвидируется (решением учредителя №1 от 18.08.08). Претензии принимаются в течении 2-х месяцев с момента опубликования указанного объявления.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Ортиқча сарф-харажатлар, севган кишингиз билан кўнгилсиз суҳбат... Бундай ташвишлар молиявий ишларингизни ва яқинларингиз билан муносабатни тартибга солишингизни тақозо этади.

СИГИР(22.04-20.05)

Оилангизда жиддий ўзгаришлар юз бериши эҳтимоли йўқ эмас. Оиладан ташқарида ҳам қизиқарли воқеалар иштирокчиси, ҳеч бўлмаса гувоҳи бўласиз. Хуллас, зерикишга ҳожат йўқ.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Оила аъзоларингиз билан баҳслаша кўрманг. Оддий баҳс катта жанжалга айланиб кетиши мумкин. Молиявий аҳволингизни яхшилаш учун қулай имконият туғилади.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Сизнинг айрим истак ва интилишларингизни тўғри тушунмасликлари мумкин. Лекин бу тушкунликка тушиш учун сабаб бўлолмайди, муаммоларни ҳал этишга қодирсиз.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Ғайратингиз жўш уриб турган шу кунларда анчадан бери битмай ётган ишларни уддалашингиз мумкин. Бунда ҳамкасбларингиз сизни қувватлашади.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Дўстлар даврасидаги кўнгилли тадбирлар сизга хуш кайфият бағишлайди. Зиммангиздаги масъулиятли юмушларни ўз ҳолига ташлаб қўймасангиз бўлди.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Яқин кунларда янги ишларни режалаштириш бехуда. Сизга ҳамкор бўлишни истовчилар жуда кам. Қолаверса, уй-рўзғор билан боғлиқ ташвишларингиз ҳам етарли.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Севган кишингизга дил изҳори айтиш учун жуда қулай фурсат. Борди-ю, муносабатингизни аниқлаштириб олган бўлсангиз, кичикроқ совға билан яқин кишингизнинг кўнглини олинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Бирор масала юзасидан муҳим қарорга келишдан олдин ҳар томонлама мулоҳаза юритинг. Ўз имкониятларингиз ва қутилган натижаларни яхшилаб чамалаб кўриш муваффақиятингиз гарови бўлади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Атрофдаги кишиларнинг бутун диққат-эътибори сизга қаратилган. Сабаби, сиз ўз муваффақиятларингиз билан ўзингиз билмаган ҳолда одамларда ҳам ҳавас, ҳам ҳасад уйғотяпсиз.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Янги танишувлар, расмий учрашувлар учун жуда қулай фурсат. Ҳар қандай даврада ўзингизни қулай ва енгил ҳис этасиз. Бугунги танишув эртанги имконият деган нақлни унутманг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Яқинларингиз саломатлиги сизни ташвишга солянти. Ортиқча ваҳимага тушмасдан, аниқ чоралар белгиласангиз, яқин кунларда бу ташвишлардан қутуласиз.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚУЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: Бектош Исмоилов
Мусаҳҳиҳ: Муҳайё Бойжуродова
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

2008 йил 20 август
34 (636)

11951 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-720 Топширилди — 23.30
1 2 3 4 6